


IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ


2019 йил январь-июнь ойларида вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 7 994,9 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 190,3%ни ташкил қилди. Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 2 280,5 млрд. сўми хорижий инвестициялар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2019 йилнинг январь-июнь ойларида 2 749,5 минг сўмни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўпи, яъни 53,4 фоизи вилоятнинг 5 та ҳудуди ҳиссасига, жумладан Олмалиқ шаҳри 13,4 фоиз, Оҳангарон тумани 11,6 фоиз, Чирчиқ шаҳри 10,1 фоиз, Қибрай тумани 9,5 фоиз ва Нурафшон шаҳри 8,8 фоизи тўғри келди.

2019 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд.сўм)




2019 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари (% да)



Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Оҳангарон тумани 582,1 фоиз, Нурафшон шаҳри 530,0 фоиз, Чиноз тумани 354,4 фоиз Оҳангарон шаҳри 296,4 ва Қибрай тумани 275,5 фоиз ўсиш кузатилди.

2019 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Нурафшон шаҳар 14 612,4 минг сўм, Оҳангарон шаҳар 9 760,0 минг сўм, Олмалиқ шаҳар 8 257,3 минг сўм ва Чирчиқ шаҳрида 5 181,5 минг сўмни ташкил этди. Аксинча паст кўрсаткични Қуйичирчиқ тумани 408,8 минг сўм, Бўка тумани 334,4 минг сўм ва Бекобод туманида 293,0 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан %</i>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	7 994,9	190,3	100,0
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	1 967,0	311,0	24,6
бюджет маблағлари	1 014,1	985,6	12,7
ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	54,5	536,0	0,7
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	733,1	218,9	9,2
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	165,3	89,6	2,0
Марказлашмаган инвестициялар	6 027,9	175,0	75,4
корхоналарнинг ўз маблағлари	1 711,0	113,0	21,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1 253,3	110,3	15,7
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	2 295,4	614,0	28,7
аҳоли маблағлари	768,2	183,1	9,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2019 йил январь-июнь ойларида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2 295,4 млрд.сўм яқунга нисбатан 28,7% ни ташкил қилди.

2019 йил январь-июнь ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари

Марказлашган инвестициялар



Марказлашмаган инвестициялар



Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-июнида 2259,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 969,2 % ни ташкил қилди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича етакчи ўринларда Оҳангарон тумани 791,4 млрд.сўм (ўсиш 1469,9 %), Оҳангарон шаҳар 322,3 млрд.сўм (ўсиш 2062,2 %) ва Ангрен шаҳри 163,6 млрд.сўмни (ўсиш 1651,6 %) ташкил этди. Аксинча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Янгийўл шаҳри 0,7 млрд.сўм (ўсиш 28,9 %), Чирчиқ шаҳри 7,9 млрд.сўм (ўсиш 51,9 %) ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция
ва кафолатланмаган кредитлар**

(млн.сўм)

	Хорижий инвестиция ва кредитлар	<i>шундан:</i>		
		тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	кафолатлан маган кредитлар	бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар
Вилоят бўйича:	2 295 403,0	2 259 413,9	14 900,6	21 088,5
<i>шаҳарлар:</i>				
Нурафшон	203 015,2	195 852,4	7 162,8	-
Олмалиқ	78 217,8	70 480,0	7 737,8	-
Ангрен	163 646,9	163 646,9	-	-
Бекобод	53 089,1	53 089,1	-	-
Оҳангарон	322 310,7	322 310,7	-	-
Чирчиқ	7 952,2	7 952,2	-	-
Янгийўл	714,4	714,4	-	-
<i>туманлар:</i>				
Оққўрғон	69 861,9	69 504,6	-	357,3
Оҳангарон	791 437,9	791 437,9	-	-
Бекобод	4 609,7	3 488,7	-	1 121,0
Бўстонлиқ	136 131,6	133 280,2	-	2 851,4
Бўка	806,3	-	-	806,3
Қуйичирчиқ	14 452,7	13 200,6	-	1 252,1
Зангиота	58 553,5	58 001,8	-	551,7
Юқоричирчиқ	49 272,0	41 355,9	-	7 916,1
Қибрай	42 008,0	40 412,8	-	1 595,2
Паркент	37 541,5	36 664,4	-	877,1
Пискент	32 677,7	32 342,2	-	335,5
Ўртачирчиқ	101 430,7	99 478,8	-	1 951,9
Чиноз	6 644,7	6 387,5	-	257,2
Янгийўл	113 328,6	112 812,6	-	516,0
Тошкент	7 699,8	7 000,2	-	699,6

**2019 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами млрд.сўм</i>	<i>фоизда</i>	<i>Давлат</i>	<i>фоизда</i>	<i>Нодавлат</i>	<i>фоизда</i>
Жами, млрд. сўм	7 994,9	100,0	2 170,4	27,1	5 824,5	72,9
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан %</i>						
<i>да</i>						
қурилиш-монтаж ишлари	3 800,4	47,5	1 223,2	15,3	2 577,2	32,2
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	3 430,1	42,9	617,6	7,7	2 812,5	35,2
бошқа ҳаражатлар	764,4	9,6	329,6	4,1	434,8	5,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2019 йил январь-июнь ойларида қурилиш-монтаж ишларига йўналтирилган улуши 47,5% ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**

(млрд.сўм)

	январь-июнь			
	2018 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да	2019 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да
Жами:	3 724,5	100,0	7 994,9	100,0
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	297,4	8,0	394,1	4,9
тоғ-кон саноати	439,9	11,8	1 129,5	14,1
қайта ишлаш саноати	1 593,1	42,6	2 881,2	36,0
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва	53,3	1,4	80,3	1,0

	<i>январь-июнь</i>			
	<i>2018 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>	<i>2019 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>
ҳавони кондициялаш				
сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш	18,5	0,5	33,8	0,4
қурилиш	68,0	1,8	541,4	6,8
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	99,1	2,7	73,8	0,9
ташиш ва сақлаш	80,8	2,2	404,1	5,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	57,3	1,5	49,5	0,6
алоқа ва ахборотлаштириш	35,8	1,0	40,3	0,5
молия ва суғурта фаолияти	21,2	0,6	48,0	0,6
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	30,7	0,8	27,5	0,3
малакавий, илмий ва техникавий фаолият	23,4	0,6	323,9	4,1
маъмурий ва қўшимча хизматлар	43,2	1,2	59,1	0,7
давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот	73,9	2,0	502,3	6,4
таълим	52,6	1,4	103,9	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	72,7	2,0	99,2	1,2
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	29,4	0,8	149,8	1,9
уй-жой қурилиши	632,3	17,0	1 033,9	12,9
бошқа фаолият турлари	1,9	0,1	19,3	0,3

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида 2 881,2 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 36,0 %) шундан металлургия саноати 368,4 млрд.сўм (4,6 %), тўқимачилик маҳсулотлари 644,4 млрд.сўм (8,1 %), резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган инвестициялар 125,6 млрд.сўм (1,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари 203,5 млрд.сўм (2,5 %), тоғ-кон саноатида 1 129,5 млрд.сўм (14,1 %), шундан, металл рудаларини қазиб олишда 1 014,8 млрд.сўм (12,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 394,1 млрд.сўм (4,9 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 99,2 млрд.сўм (1,2 %), ташиш ва сақлаш 404,1 млрд. сўм (5,1 %), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш 149,8 млрд.сўм (1,9 %) таълим 103,9 млрд.сўм (1,3 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши


2019 йил январь-июнь ойларида умумий майдони 617,2 минг кв.м бўлган 4 116 та шундан қишлоқ жойларида 519,4 минг кв.м 3 458 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Қурилиш фаолияти. 2019 йил январь-июнь ойларида 1 835,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 133,3 %ни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 73,0 %и бинолар ва иншоотларни, 11,6 %и фуқаролик қурилиши объектларини ва 15,4 %и ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1 749,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,3 %ни (2018 йил январь-июнь ойига нисбатан ўсиш суръати 132,0 %ни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати
(2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан, %да)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Қуйичирчиқ тумани 163,5 % ва Янгийул шаҳари 160,4 % кузатилди. Аксинча энг паст кўрсаткич Ўртачирчиқ тумани 119,8 % Бўка тумани 121,0 % ва Оҳангарон туманларида 121,5 %ни ташкил қилди.

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига қурилиш соҳасида 3024 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 571 тага ёки 23,3 % га кўпдир. Шунингдек, 2019 йил январь-июнь ойларида вилоятда 517 та қурилиш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 53,0 фоизга кўпайган.

Рўйхатга ўтганлар сони

- 2019 йил 1 июлда 3024 та
- 2018 йил 1 июлда 2453 та

Фаолият кўрсатаётганлар сони

- 2019 йил 1 июлда 2547 та
- 2018 йил 1 июлда 2144 та

Янги ташкил этилган сони

- 2019 йил 1 июлда 517 та
- 2018 йил 1 июлда 338 та

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига қурилиш соҳасида 3014 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 572 тага ёки 23,4 % га кўпдир. Шунингдек, 2019 йил январь-июнь ойларида вилоятда 517 та кичик бизнес субъектлари янги ташкил этилган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 180 тага ёки 53,4 фоизга кўпайган.

Қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини таҳлили, бирликда

